


Эртага ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашиниң XII йиллик мажлиси бошланади



N 235 0044

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *


1931-yildan chiqa boshlagan

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifa

2003-yil 3-may, shanba

№ 36 (7541)



ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮҚСАК БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 май куни Оқсанордага Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Жан Лемьеерни қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ЕТТБ билан ҳамкорлиги вақт синовидан ўтган. Банк ишлаб 1993 йилда Ўзбекистондаги лойиҳани молиялаштирган эди. Ўтган даврда мамлакатимиз ЕТТБ стратегиясидаги устувор ҳисобланган Марказий Осиё минтақаси учун ажратиладиган кредитларни тақсимлаш борасига унинг энг яқин шеригига айланди.

Бугунга қадар ЕТТБ иштирокида Ўзбекистонда умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларига тенг 20 лойиҳа амалга оширилди. Бунда банк-

нинг ҳиссаси 723,8 миллион долларни ташкил этади. Айни пайтда жами қиймати 320 миллион долларлик яна 8 лойиҳа ишланмоқда. Бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам ЕТТБ хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес лойиҳалари учун кредит бериш, бозор инфраструктуруни ривожлантириш, экология масалаларига алоҳига эътибор қаратади.

Шу кунларда эса Тошкентга ўнлаб мамлакатлардан ҳукумат делегацийалари, молиячилар, ишбилиармонлар, банкирлар, сиёсатчилар келмоқда. ЕТТБ Бошқарувчилар кенгашининг навбатдаги ўйллик мажлиси 4-5 май кунлари Ўзбекистон пойтактида бўлиб ўтади.

Президент Ислом Каримов ушбу воқеа ЕТТБнинг Ўзбекистонга ишончи мустаҳкамлигидан, банкка қатъиятли шахс раҳбарлик қилаётганидан далолат эканлигини таъкидлагди. Ушбу йирик анжуманинг Тошкентда ўтиши, унга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилгани эса ўзаро ҳамкорлик юқсак даражага ривожланиб бораётганидан дарар беради.

Учрашувда мазкур анжуманга ҳамда Ўзбекистон билан ЕТТБнинг ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятларига оид масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗА
Абдувоҳид ТЎРАЕВ
(ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАГБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Умумхалқ байрами — 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Фалабанинг 58 йиллиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР КИЛАДИ:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига 13000 (ўн уч минг) сўм миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.

2. Ушбу карорни рўёбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қўлувчи кўмита ва Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни, Маданият ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, "Маннавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъни ҳимоячиларига бағишлиланган маҳсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Х.С. Кароматов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил. 1 май



Умумий ўрта таълим мұассасалари ўқувчиларининг «УМИД НИХОЛЛАРИ» спорт мусобақаларининг финал босқичи бошланишига 11 кун қолди.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

«АЛЖАБР»
ҚАНДАЙ ҚИЛИБ
«АЛГЕБРА»ГА
АЙЛАНГАН?

3-бет

ЕТТБ ЙИФИНИНГ
ТОШКЕНТДА
ЎТКАЗИЛИШИ
ТАСОДИФ ЭМАС

5-бет

ЎҚУВЧИ СУСТ
ИШТИРОКЧИ ЭМАС,
ФАОЛ ИШТИРОКЧИ
БЎЛСИН

9-бет

**SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARI**

OQSAROYDA QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 1 may kuni Oqsaroyda Xalqaro valyuta jamg'armasi (XVJ) Ikkinchisi Yevropa departamenti direktori Jon Odiling — Spini qabul qildi va ushbu uchrashuvda o'zaro hamkorlikni kengaytirishga oid masalalar yuzasidan fikr almashildi.

TELEFONDA MULOQOT

30 aprel kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov bilan NATO Bosh kotibi Jorj Robertson o'rtasida bo'lib o'tgan muloqotda Markaziy Osiyo va Afg'onistondagi ahvol, shuningdek O'zbekiston bilan NATO o'rtasidagi hamkorlik masalalari har tomonlama muhokama etildi.

QAROR


O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi "To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalarni huquqiy himoya qilishni kuchaytirishga doir qo'shima cha chora tadbirlar to'g'risida"gi QAROR qabul qildi.

MUHOKAMA

Oliy Majlis Matbuot va axborot qo'mitasining yig'ilishida "Ommaviy axborot vositalari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunining Sir-daryo viloyatidagi ijrosi muhokama etildi va mavjud kamchiliklarni bar-taraf etish zarurli-giga alohida e'tibor qaratildi.

ҲАМЖАМИЯТ ЭЪТИБОРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАТИЛАДИ

Эртага мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банки Башқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси бошланади. Айни пайтда республикамизда ушбу йирик халқаро тадбирiga тайёргарлик ишлари якунланди. Анжуман бўлиб ўтадиган бинолар, меҳмонхоналар, транспорт, алоқа воситалари таҳт қилинди, меҳмонларнинг яшashi ҳамда фаолият юритishi учун зарур шарт-шароитлар яратилди.



European Bank

for Reconstruction and Development

Анжуман бошланиши аввалидан ETTB Башқарувчилар кенгаши йиллик мажлисini ёритиш учун аккредитациядан ўтган маҳалий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида доимий ишловчи Матбуот марказида навбатдаги йигилиш бўлиб ўтди. Уни марказ раҳбари Шерзод Кудратхўяев бош-қарди.

Анжуманда Республика Ташки иктиносидай алоқалар агентлиги раисининг ўринbosari Ш.Абдуллаева, Европа тикланиш ва тараққиёт банки матбуот шўъбасининг мутахассиси Ю. Зильберман ҳамда у билан ҳамроҳликда юртимизга ташриф буюрган бир қатор ҳамкаслари журналистларнинг анжумани ёритиш билан боғлиқ ташкилий масалалар хусусида сўз юритдилар.

ETTB Башқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси анианага кўра бир йил Лондонда, навбатдаги

нодавлат ташкилоти вакиллари, юздан ортиқ кузатувчилар қатнашадилар. Мамлакатимизга ташриф буюрган расмий делегацияларнинг умумий сони 60 дан ортиб кетади. Ўзбекистон тариҳида ilk bor юртимизга 59 ta давлат делегацияларнинг ташрифи кутилмоқда. Улар орасида Европа Иттифоқи, Европа инвестиция банки делегациялари ҳам борлигини таъкидлаш жоиз.

Анжуман баҳона юртимизга юздан ортиқ жаҳон оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам ташриф буюрмоқдалар. Бу журналистлар ўртасида ўзаро фикр ва тажриба алмасиши имкониятларини беради. Сўнгги олинган маълумотларга қараганда, ETTB Башқарувчилар кенгашининг йиллик йигилиши ҳамда унинг доирасидаги бизнес анжумани ёритиш учун маҳалий журналистлар билан бирга дунёning турли ахборот агентликлари, телерадио, газета ва журналларидан келган 190 нафардан зиёд мухбир аккредитациядан ўтказилди ва ўз фаолиятини бошламоқдалар.

Бугун соат 13:30 da «Ўзэксномарказ»нинг марказий павильонида «Ўзбекистон Республикасининг экспорт ва инвестицион салоҳияти» кўргазмаси иш бошлайди. Мазкур экспозициянинг умумий майдони 1000 квадрат метрни ташкил этиб, кўргазмада Ўзбекистоннинг иктиносий салоҳияти тўғрисидаги материаллар ҳамда 100 дан ортиқ йирик компания, кўшма корхоналар, жумладан «Ўзбекнефтегаз»,

«Навоий тоб-металлургия комбинати», «Зарафшон-Ньюмонт» кўшма корхоналари, ETTB кредитлари хисобидан фаолият кўрсататиган кичик ва ўрта бизнес корхоналари, шу билан бирга республикамизнинг бошқа корхоналарида ишлаб чиқарилган сифатли, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлари на мойиш қилинади.

Шунингдек, бугун пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон Республикаси Инвестицион анжумани бўлиб ўтади. Унда мамлакатимиз Бош вазири Ўткир

доирасида Халқаро бизнес марказида 3 кун давомида 27 давлат тақдимоти бўлиб ўтади.

Асосий тантанали маросимлар бўлиб ўтадиган «Туркестон» саройида эса 4 май куни ETTB Башқарувчилар кенгашининг XII йиллик йигилишининг биринчи ва иккинчи сессияси ўтказилади.

Юртимизда икки кун давом этадиган йирик халқаро анжуман давлатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи ва салоҳиятини оширибгина қолмай, балки иктиносий кудратимиз, кишиларимиз турмуш фаровонлигини



юксалтириш мақсадида, шунингдек, республикамизда кенг кўламда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар жаҳаёнida чет эллик шериклар билан ҳамкорликни йўлга кўшиш, хорижий сармояларни жалб этишида катта имкониятлар яратиши, шубҳасиз.

**Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

2002-2003-o'quv yili — Xalq ta'limi tizimi muassasalarida metodik xizmat ko'rsatishni takomillashtirish o'quv yili

ҚўЛПАНМА ВА ТАВСИЯЛАР – МУАЛЛИМЛАРГА

Андижон вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилар мактабларга методик ёрдам кўрсатиш мақсадида кўпгина тадбирларни амалга оширмоқдалар. Давлат таълим стандартларини бажариш юзасидан тайёрланган методик адабиётлар чоп этилиб, жойларга етказиб бериладиган сўзимизнинг далилидир. Хусусан, институтда ҳозиргача 40 номда методик тавсиянома, кўлланма ва тест тўпламлари яратилди. Бунда «Илмий услубий мақолалар ва тўпламларни янада тақомилластириш тўғрисида»ги 2002 йил 29 ноябрда қабул қилинган институт буйрганинг аҳамияти катта бўлди. Натижада буйруқда кўрсатилган талаблар асосида ижтимоий фанлар ва маънавият асослари ҳамда табиий фанлар таълими кафедраларида кўпроқ илмий-методик адабиётлар яратилди. Айниқса «Компьютер саводхонлиги», «Физикадан услубий тавсиялар», «Конунлар сиз ҳақингизда ва сиз учун», «Миллий истиқlol гоёси бўйича Давлат аттестацияси саволларiga жавоблар», «Миллий истиқlol гоёси: асосий тушунча ва тамоиллар» рисоласи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш бўйича амалий-услубий қўллан-

малар долзарблиги ва кўпгина билимлар бериши билан дикъатга сазовордир.

Дарсларни ноананавий усулларда ташкил қилиш ҳақидаги инновацион мазмунда чоғлигидан «Миллий истиқlol гоёси: маъруза, семинар, мусобака, баҳс-мунозара учун савол-жавоблар», «Физика фанидан ўкувчиларга билим беришда инновацион усуллардан фойдаланиш», «Таълимда педагогик инновацион масалалар», «Тасвирий санъат ҳақида сұхбат дарсларини ташкил қилиш ва ўтиши услубиёти» тавсияномалари давр талаби асосида яратилди.

Кафедра йигилишларида илғор тажрибали мактаб ўқитувчилари ёзган услубий тавсия ва илмий мақолалар ҳам кенг муҳокама қилинади. Натижада Булоқбоши туманидаги 21-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, иккичи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Махфират Бердикулованинг «Ватан туйғуси фанидан дарс усуллари», Кўргонтепа туманидаги 5-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Фазилат Сафарованинг «Миллий истиқlol гоёси ва маънавият асослари» фанидан дарс усуллари, Булоқбоши туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси З.Олимованинг «Топган топалоқ», Асака туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси Т.Дадабоеванинг «Инглиз тили ўқитиши-

нинг бошланғич курси», «Замонавий инглиз тили қиёсий грамматикаси» каби қўлланмалари институт илмий кенгашида атрофлича муҳокама қилингандан сўнг нашр қилинди. Бундай алоқалар эса институт билан мактаб ўқитувчилари ўтасидаги ҳамкорликни яна-да мустаҳкамламоқда.

Институтда «Таълим амалиёти» номли илмий-услубий тўплам ҳам чоп этилмоқда. Тўплам таҳир ҳайъати унда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш милий дастурининг амалда бажарилиши, таълим мониторинги, изланишлар, муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисидаги мақолалар эълон қилинишига кўпроқ аҳамият бераяти. Мазкур тўпламда шаҳар, туман ХТБ методистлари, мактаб ўқитувчиларининг услубий тавсиялари билан қатнашишлари мумкинлигини ҳисобга олсан, тўпламнинг ўқимишли ва оммавийлигига эришилди, дейиш мумкин. Чунки, тўплам вилоят таълим-тарбия жараёндаги долзарб масалаларни ҳал этишига ёрдам беради.

**М.МУМИНОВ,
институт кафедра мудири,
О.СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» муҳбири**

O'qituvchiga yordam

Истиқолимиз шарофати ила миллатимиз ифтихори бўлган буюк аждодимиз Ал-Хоразмий таваллудининг 1220 йиллиги нишонланадиган кунларда ватандошимизнинг ўлмас меросини муборак заминдаги ҳар бир ёш ўспиринга ўргатиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Жаҳон фани Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийни фан классиклари қаторида тан олган, унинг асарлари мана неча асрдирки, маълум ва машхур.

Маълумки, алгебра сўзи ҳаммага таниш. Бу фан бутун дунёда барча мактабларда асрлар бўйи ўқитилади. Ушбу фаннинг кашф этилишида Ал-Хоразмийнинг ўрни бекиёсdir. Неча аср-дирки, Ал-Хоразмий илмий ижодига қизиқиш борган сари ошиб бораётir. Ҳозирги замон илмий-техника тараққиётининг асосий тармоқларидан бири бўлган кибернетиканинг замин тушунчаларидан алгоритм — Ал-Хоразмий илмий меросини янада чуқур ўрганишни тақозо этмоқда.

Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо 783 йили Хоразмда туғилган. Муҳаммад Хоразмий Ўрта Осиё эндиғина араб ҳалифалиги ҳукмронлигидан кутилиб, ривож топаётган даврда дунёга келди, ўди ва улғайди.

Бу вақтларда Ўрта Осиё жаҳоннинг маданий ва савдо марказларидан бири эди. Араб феодал давлати ҳукмдорлари ўзлари истило қилган мамлакатларнинг қимматли буюмлари ва йирик олимларни Бағдодга олиб кетганлар. Муҳаммад Хоразмий ҳам Бағдоддаги Шарқнинг дастлабки фанлар академияси — “Байт ул-Хикма” (“Донолар уйи”)га умрининг охиригача илмий раҳбарлик қилади.

Шарқда ўн хонали саноқ ҳам, олтмиш хонали саноқ ҳам ҳукм суриб келган. Аслида ўн хонали саноқ ҳинд математикасидан, олтмиш хоналиги эса Вавилон математика илмидан тарқалган. Аммо шуни ёдда тутмоқ лозимки, ўн хонали саноқнинг Европага тарқалишига сабаб бўлган манба Хоразмийнинг арифметика ҳақидаги китобидир. Ҳозир жаҳонда қабул қилинган 0, 1, 2...9 рақамлари билан бажариладиган ҳинд саноқ системасини Хоразмий биринчи бўлиб, араб тилида ёзганлигидан, бу система жаҳон математика адабиётларида кўпинча араб системаси деб юритилди. Мазкур система Россияга XVI асрда кириб келган.

Хоразмий тарғиб қилган системадаги рақамлар кўп тилларда “Цифра” деб ном олган. Цифра сўзини Хоразмий “ассифр” деб ишлатган. Арабча “ассифр” дан келиб чиқкан “цифра”ни Хоразмий замонасидан XVIII асрчага “ноль” деб тушунишган. Рус тилида биринчи марта Л.Магницкий томонидан 1703 йилда таржима қилинган “Арифметика” да ҳам “цифра” деб “ноль” тушунилган.

Ҳинд математикасида квадрат тенгламаларнинг геометрик усул билан ечилиши номаълум эди. Бу усул эса Хоразмий “Алжабр”нинг етакчи усулидир. Ҳиндлар манфий сонлар ишлатган бўлсалар, Хоразмий уларни ишлатмаган. Хоразмий яратган тенгламалар типларининг классификацияси ва уларни ечиш ҳиндларга номаълум эди. X аср бошларида Бағдоддаги “Байт ул-Хикма”га таклиф қилинган Хоразмий ўзи китобларида Ал-Маъмун ҳалифалиги даврида (813-833

даҳоларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Хоразмий бегона юртларда кўп яшаган бўлса ҳам, у ўз Ватанининг асл фарзанди — Хоразмий бўлиб қолаверди. “Алгебра” сўзи Хоразмий китоби номининг биринчи қисмидан — “алжабр” сўзидан келиб чиқсан. “Алжабр” сўзи Европага Фарбий араблар орқали ўтган. Фарбий араблар эса “х”ни “г” деб талафуз қилганлар. Шундай қилиб, Хоразмий яратган “алжабр” ёки “алгебра” терминининг ўзи Европада XIV асрдан бери тенгламалар ҳақидаги фаннинг номи сифатида ишлатилиб келинмоқ-

тенгламаларни таҳлил қилди: уларни турларга ажратди.

Тенгламаларни ечиш усуллари, қоидалари — назариядир. Назария жамият амалиётининг талаблари остида бунёдга келади. Лекин ҳар қандай назариянинг ҳақлигини, объектив жараёнларнинг тўғри инъикос эканини факатгина амалиёт тасдиқлайди.

Хоразмийнинг тенгламалар ҳақидаги таълимотини ҳаёт тасдиқлади. У неча асрлардан бери хизмат қилиб келмоқда. Алгебрада бошка фанлардагидек метод асосий роллардан биридир. Умар Хайём Хоразмий кашф этган

Хоразмий “Алгебра” сида назарий фикрлар изохланиши билан дарҳол амалий масалаларни ечишга ўрин берилади. Масалан, “Алгебра”нинг чизиқли тенгламаларга бағишлиланган бобида васиятнома ва мерослар масаласига мисоллар келтирилади. Хоразмийнинг иккинчи математик асари — “Ҳинд арифметикаси ҳақида китоб” (“Ҳисоб ал-ҳинд”) ҳам фан тарихида муҳим рол ўйнади. Асар ўнлик система ракамларига бағишлиланган. Хоразмий арифметиканинг алгоритмлари бўлган қўшиш ва айриш, кўпайтириш ва бўлиш қоидаларини яратган. У, шунингдек, алгебрик тенгламаларнинг геометрик ечилиши геометрик муносабатларнинг алгебрик назарияси эканини, учбурчакни ечишда алгебранинг кўлланилишини, шу билан бирга, баъзи ҳолларда алгебрик муносабатларни кесмалар орқали ифодалаш мумкин эмаслигини ҳам кўрсатган.

Математика фазовий ва миқдорий муносабатлар ҳақидаги фан экан, алгебрик тенгламаларнинг геометрик ифодаси бу муносабатлар орасидаги узвий боғланишнинг бир тимсолидир.

Хоразмийнинг математикояларини унинг ватандоши Беруний, Шарқ олимларидан Ан-Насавий ривожлантирилар. Алгебра ижодкоридан уч асрча кейин яшаган олим Умар Хайём “Алжабр вал-муқобала” (“Масалаларни ечиш ҳақида”) китоб ёзиб, Хоразмий математик таълимотини кенгайтириди.

Ал-Хоразмий нафақат математика, балки астрономия, тарих, геодезия, география ва мусиқа соҳаларида ҳам бир неча бебаҳо асрлар ёзган қомусий олимдир. 1827 йилда Кохирада топилган “Китоб сурат ал-ард” (“Ернинг сурати”) номли географияга оид ноёб қўлёзмасида 637 та муҳим жойлар, 209 та тонгинг географик тафсилоти берилган. Бундан ташқари, 827 йилда Ал-Хоразмий томонидан ер меридианининг градуси узунлиги ўлчангандиги олимнинг кўпқиррали истеъодд эгаси эканлигидан далолатдир.

Ҳаёт — “ҳозир”нинг мундарижаси “ўтган” замон билан келажак замон учрашган дақиқалардан иборатдир. Ўтган замонсиз келажак бўлмайди. Фан тарихи эса фаннинг келажак учун йўл-йўриқ замини, ютуқ ва камчиликлар мактаби. Хоразмий қашфиётининг яна бир ютуғи шуки, фан ва техникада ампер, ватт, менделеиум, рентген каби терминлар қаторидан алгоритм тушунчаси ҳам фанда мустахкам ўрин олди.

Ер юзидағи ҳар бир мактаб ўқувчиси “алгебра” деяр экан, электрон ҳисоблаш машинасида ишловчи ҳар бир инженер “алгоритм” терминини ишлатар экан, беихтиёр Муҳаммад ал Хоразмийнинг сиймоси, у туғилиб ўсган юрт кўз олдида гавдаланади.

О.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Хоразм вилояти ПХҚТМОИ
катта ўқитувчisi,
О.ЭГАМБЕРДИЕВА,
Урганч шаҳридаги 7-мактаб
физика-математика фани
ўқитувчisi

«АЛЖАБР» ҚАНДАЙ ҚИЛИБ «АЛГЕБРА» ГА АЙЛАНГАН?

йиллар) яшаган ва ишлагани, “Байт ул-Хикма” ихтиёрида ўз замонасиининг энг йирик кутубхонаси бор эканлигини ёзиб қолдирган. Бу “Академия”да Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдулла Марвазий, унинг ўғли Абу Жаъфар, Аббос ибн Саид Жавҳарий каби олимлар ишлаганлар ва Хоразмий бу илмий мактабнинг ташкилотчиси бўлган. Улар математика, астрономия, география соҳаларида иш олиб борганлар. Жаҳонда ўзларининг қашфиётлари билан машҳур бағдодлик математиклар — Собит ибн Курра, Абул Вафо, Ал-Куни, Ал-Кархий каби олимлар Хоразмий мактабининг шогирдлари. “Араб” фанининг классик даври — IX-XV асрларда Хоразмий, Хўжандий, Ибн Сино, Берунийлар фаол қатнашган бўлса, Улуғбек мактаби уларнинг қашфиётларини бойитди. Бу муаммони Хоразмий ҳал қилди. У ўша вақтгача учраган ва учра-ётган

да.
Алгебраик тенгламаларни ечишда баъзан жазрасамга дуч келинади. Хоразмий математикага киритган “жазрасам” тушунчасининг лотинча таржимаси “сурдус” XVIII асрчага сакланиб келди. Ҳозирда бу “иррационал сон” деб аталади.

Икки алгебраик ифодани кўпайтириш, ўхшаш ҳадларни йиғиш, кўпайтириш усулларини ҳам Хоразмий кўрсатиб берган. Чизиқли ва квадрат тенгламалар Ал-Хоразмийгача учраб турган. Ҳар бир тенглама алоҳида бир-бири билан алоқасиз равишида учраган ва ечилган. Маълум бир тартиб, қоид, усул бўлмаган. Тенгламаларнинг ечиш усулларини топиш математиканинг галдаги муҳим ва фундаментал вазифаларидан бири эди. Бу муаммони Хоразмий ҳал қилди. У ўша вақтгача учраган ва учра-ётган

алгебра ҳақида шундай деган эди: “Алгебра илмий методидир. Унинг предмети сон ёки миқдордир. Сонлар номаълум бўлиб, қандайдир маълум миқдорларга шундай муносабат кўйиладики, натижада улар топилсинлар: алгебра номаълумлар билан маълумларни бирлаштирувчи муносабатни аниқлайди”.

Номаълум орасидаги муносабат зиддиятдир. Алгебрик тенгламани ечиш қарама-қаршиликларидан зиддиятининг ечилишидир. Номаълум маълумга қарама-қаршидир. Ҳар қандай тенглама мана шу қарама-қаршиликлар бирлигини ифодалайди. Дарҳақиқат, қарама-қаршиликлар бўлмаса ёки уларнинг бирлиги бўлмаса, тенглама бўлмайди.

Хоразмий антик Греция фанидан мантиқни олди ва уни ривожлантириди. Математикадан исботлаш усулиниг олиниши унинг қадимий усулларни танлашдаги ўткиздикини кўрсатди.



Математика дарсими ўкувчи жон қулоги билан тингламас экан, бу фаннинг моҳиятини тушуна олмайди. Ўкувчилар марқ билан тинглашлари учун эса ўқитувчидан юксак маҳорат ва билимдонлик талаб этилади. Қашқадарё вилоятини Мирзо Улугбек номидаги боғча-мактаб мажмуси математика фани ўкувчиси Баҳодир Райимкулов ҳар бир дарсими юқоридаги талаблар асосида олиб боради. Ушбу ўқитувчининг тажрибий дарслари мақола сифатида «Ҳалқ таълими» ва «Соғлом авлод учун» журнallаридан чоп этилган.

Суратда: Б.РАЙИМКУЛОВ дарс жараёнидা.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Ўтган асрнинг сўнги чорагида Интернет тармоғининг пайдо бўлиши янги XXI асрнинг ахборот асри, дея аталишига сабаби бўлди. Боиси, бугун дунёнинг у бурчида юз берган воқеадан бу бурчида турган киши сониялар ўтар-ўтмас интернет орқали боҳбар бўлмоқда. Лекин бу имкониятдан айрим бузгунчи ниятда бўлган кучлар ҳам курол сифатида фойдаланмоқдаки, шу туфайли ҳозирда «Ахборот уруши» деган ибора тўлланила бошланди. Бундай хуруждан, ёлғон ахборотлардан оммани, халқни химоя қилиш эса журналистлар зимесига тушади. Шу маънода «Меҳмонхона» саҳифасининг бугунги меҳмони 25 йилдан бўён Ўзбекистон телерадиокомпаниясида сиёсий шарҳловчи бўлиб ишлаб келаётган професионал журналист Қобилбек Каримбековдир. 1956 йил Тошкент шаҳрида туғилган Қ. Каримбеков 1978 йил ЎзМУнинг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. «Шуҳрат» медали соғирнидори, Ўзбекистон халқ таълими аълочи. Ҳозирга қадар 150 дан ортиқ мақолалари газетада, 20 га яқин илмий-оммабоп мақолалари эса журнallарда чоп этилган. Шунингдек, 5 та илмий рисолалар муаллифи.

— Инсон илк бор қўлига қалам тутқазиб, дунёни кашф этишига, юксак мақсадлар сари парвоз қилишга йўналтирган устозини унумаса керак. Шу маънода биринчи ўқитувчингиз, беғубор ва бетакорликда кечган йилларнинг ҳақида тўхталсангиз?

— Албатта, мен барча устозаримни хурмат киласман. Мени илим томон етаклаган, ҳаёт мактабини ўргатган ўқитувчиларимни ҳамиша ёдда тутаман. Аввало, А.Икромов туманидаги Аҳмад Яссавий номидаги 203-мактабда ўқиган бўлсам, сўнга 9-10-синфларда Чилонзор туманидаги 200-мактабда таҳсил олганиман. Хар икки мактабда ўқитувчилар жамоаси ҳам кучлилиги боис, бу илм даргоҳларидан ўнлаб олимлар, фан номзодлари, ёзувчилар, спортчilar этишиб чиқкан. Бошлангич синflarda сабоқ берган ўқитувчиларим Рустамхужа Бобохўжаев, Мавлонбек Пўлатбеков, Тўра Тўлагановлар ҳаётда ўз ўрнимни топишмада асос яратган десам муболага бўлмас. Уларнинг орасидан бу дунёдан ўтганлари ҳам бор, Оллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин. Катта синфа ўтганимизда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Оқиҳон ака Зокиров, Иброрим ака Тўлаганов, Эргаш ака Камолов каби моҳир педагоглар кўлида таҳсил олганиман. Мен уларнинг ўйтларидан умрим давомида фойдаланиб келмоқдаман. Бу йил мактабни тамомлаганимга 30 йил тўлади. Мана шу ўтган йиллар менинг болалик шўхликларимни вазмийликка, оғир-босилика айлантириди. Эсимда, дарслардан сўнг, футбол ўйнанимизда ракиб жамоа билан жанжаллашиб ҳам қолардик. Лекин, бу ўпка-гинахонликларимиз кейинги ўйнинг қадар унтилиб кетар эди.

— Мустақилликнинг илк йилларидағи Ўзбекистон билан бугунги Ўзбекистон ўртасидаги фарқ сизнингча нечоғи?

— Истиклol шарофати билан Ўзбекистон бевосита, тўғридан-тўғи, очик ҳолда жаҳонга юз тутди. Авваллари эса барча ишларимиз, хусусан, ташки фаолиятларимиз ҳам Москва орқали амалга оширилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда Ўзбекистон мустақилликни 160 дан ортиқ давлатлар тан олган бўлса, уларнинг 100 дан ортиқ билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Айни пайтада пойтахтимиз Тошкентда 40 дан ортиқ давлатларининг элчиноналари, дипломатик ваколатхоналари, дипломатик ваколатхоналарни ўзи жуда катта воеа саналади. Ўз навбатида бизнинг ҳам хорижий давлатларда 36 да дипломатик ваколатхонамиз ишламоқдаки, шундан 27 таси элчинона, колгандарни бош консулхоналардан иборат. Бундан кўриничи турбидики, ўтган 12 йил давомида Ўзбекистон жаҳонни бўйлади, жаҳон Ўзбекистон сари қадам қўйди. Ёш ниҳол ўсиб, олам билан бўйлашгани каби, мустақилликнинг илк йилларидағи Ўзбекистон нуфузи бугунга келиб анчагина ошиди. Ҳозирда мамлакатимиз АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Россия, Хитой каби энг етакчи давлатлар билан яқин иктисолид, сиёсий, маданий ҳамкорликлар олиб бормоқда.

Мана эртага пойтахтимизда

бошланадиган Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ЕТТБ)нинг йиллик анжумани ҳам Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқалари бугун нечоғлик юқори даражада эканлигидан далолат беради. Дунёдаги энг етакчи иктисолид, молиявий тармоқлардан бири саналган ушбу банкнинг бундай анжуманида давлат раҳбарлари, бош вазирлар, молиячилар, иктисадчилар иштирок этади. ЕТТБнинг йиллик йигилиги Тошкентда ўтиши тасодифий эмас, албатта. Биринчидан, бу Ўзбекистонга бўлган ишонч, эътироф рамзи. Иккинчидан эса, мамлакатимизнинг барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик олиб бораётганинг самараси. Ўзига муносib ҳамкор излаган мазкур банк ўзаро имзолангандан ёхднома, битим ёки бирон-бир хужжат шартлари бажарилмаса, у ҳар қандай давлат билан,

бормоқдаки, бу биз учун катта имкониятлар яратаяти. Хусусан, иктисолид ислоҳотларимизнинг илдам кечиши, иктисолид курдатимизнинг ошишида ЕТТБнинг хиссаси бекёёс. Қолаверса, бу банк орқали Ўзбекистон ўз маҳсулотларини жаҳонга олиб чиқади.

— Бугун дунёнинг энг ривожланган давлатлари — АҚШ ва Япония билан Ўзбекистон икки томонлама стратегик ҳамкорликлар ўрнатган. Бу ҳамкорликлар истикболини қанчалик тасаввур этасиз ва уларнинг аҳамиятилини даражаси қандай?

— Албатта, бу жуда катта мавзу. Жумладан, Кўшма Штатлар билан 2002 йилнинг март ойидан, Япония билан эса июнь ойидан бундай ҳамкорликка ёршидик. Эътибор берсак, АҚШ гарбий ярим шарда, Япония эса Осиё-

бир-бирига жуда яқин эканлигини 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейинги ҳолат яққол кўрсатди. Президентимиз БМТнинг 1993 йил 48-сессиясида, 1995 йил 50-юбилей сессиясида терроризмга қарши кураш бўйича аниқ таклифларни ҳамжамият эътиборига ҳавола қилдилар. 1999 йил ноябрь ойидан Истамбулда бўлиб ўтган Европа Хавфисизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитида ҳалқаро марказ тузиш ташаббуси билан чиқдилар. Ва бу йоз дунё миқёсида кўллаб-куватланди. Аммо, ўша пайтада айрим давлатлар унга етарлича эътибор бермадилар ва жуда кеч ҷавоб қайтардилар. 11 сентябрь воқеалари Ўзбекистоннинг бу хавфга қарши жаҳонни ўз вақтида огоҳ этганлигини ҳамда хушўрликка чакирганлигини исботлади. Шундан сўнг, ён кўшнимиз Ағонис-тондаги террор ўчокларини тугатишида, «Ал-Қоид» ташкилотини йўқ қилишда мамлакатимиз ҳалқаро қоалиятига катта ёрдам берди. Ва Ағонистондаги хавфга барҳам берилиши ўзимиз учун ҳам фойдали бўлди. Гарчи, шу тариқа ҳалқаро терроризмга жиҳдий зарап етказилган бўлсалада, лекин ҳозирда айрим кучлар унинг тузишларни сақланиб қилишига пинхона ёрдам бермокдадар. Ваҳоланки, ҳалқаро терроризмнинг пайи қирқимагунига қадар миллатлараро, давлатлараро мустаҳкам тинчлик, баркарорлик, дўстлик, тотувлик ҳакида гапиришга эрта.

— Террорчидан мөхр йўқ. Юртбошимиз бежизга уни чайнга қиёсламаганлар. Илло, иккаласининг ҳам киладиган иши зарар, зиён етказишдан иборат. Шу маъ-

ёқлаб чиқди. Президентимиз Ислом Каримов 6 марта куни Словакия раҳбари Рудольф Шустер билан учрашув чогида, Наврӯз тантаналари арафасида ва 24 апрель куни бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг XI сессиясида ҳам мамлакатимиз позициясини аниқ, тиник тушунтириб бердилар. Шунингдек, Олий Мажлис дебутатлари томонидан қабул қилинган Мурожаатномада ҳам бу нарса яққол ифодасини топди.

Лекин, ҳарбий амалиётлар билан бир қаторда информацион урушлар ҳам бошланганлиги сир эмас. Масалан, Россия каналларида, матбуотида бу борада тескари ташвиқотлар юриши кузатилди ва у хозир ҳам давом этмоқда. Уларда иттифоқчиларга бошчилик қилган Америка гўё эрта-индин Сурияга, сўнгра Эронга, кейин эса Шимолий Кореяга хужум қилар экан, деган мазмундаги хабарлар тарқатила бошланди. «Ирокни озод қилиш» операциясини мусулмонларга қарши уруши, дега талқин этиш ҳолатлари юзага келди: Ваҳоланки, бу ҳарбий амалиётларни кўллаб-куватланган бу давлатларнинг 20 дан ортиғи мустаҳкам тинчлик, баркарорлик, дўстлик, тотувлик ҳакида гапириш ярамайди.


— Ирок ҳалқи 34 йил давом этган Саддам Ҳусайнинг диктаторлик тузумидан ҳалос бўлди. Ва айни замонда тикланиш, янги хукумат таркибини тузишларни башлаб юборилди. Сизнингча Ирокда қандай тузум ўрнатган маъкул?

— Ҳозир мамлакатда ҳаёт изига тушмоқда. Жумладан ўқиши, тиббий хизмат кўрсатиш, савдо-сотик яна йўлга қўйилди, ирик-ирик шаҳарлардаги айрим корхоналар ишлай бошлади. Айни пайтада ҳалқаро коалиция ўз олдига турт масалани кўйган: биринчиси, Ирокнинг худудий яхлитилини сақлаб қолиши, унинг бўлининг кетишига йўл қўймаслик. Иккинчидан, мамлакатда араблар, курдлар, эронийлар, турклар ва бошқа миллат вакилларни истиқомат қилади. Шунинг учун этник мажароларга йўл қўймаслик, унинг олдини қиришдилар. Аммо, Ирокдан ўз манбаатларини излаган айрим давлатлар буни нотўғри талқин этдилар...

— Аввало шуни айтиш кераки, бу уруши оммавий қирғин қуроллари террорчилар қўлига тушиб қолишини ҳамкорибатда инсониятга жиҳдий ҳавф солинишидан ҳавотирга тушдилар ҳамда бунинг олдини олишига қиришдилар. Аммо, Ирокдан ўз манбаатларини излаган айрим давлатлар буни нотўғри талқин этдилар... Аввало шуни айтиш кераки, бу уруши оммавий қирғин қуроллари яратиш, унга эга бўлишига интилган тузумга қарши қаратилди. Чунки, бундай қуролларни Ирок ҳукумати ўз халқига, кўшни давлатларга қарши ишлатган ва минглаб бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабабчи бўлган. Саддам Ҳусайнинг мустаҳшиб тузишида генойиди сиёсати туфайли 6 млн.га яқин ирокликлар хорижга қочиб кетган эди. Энди-энди улар ўйларига қайтишишоқда. Шунингдек, бу ҳукумат ён кўшини Эрон билан 8 йиллигидан ўтиш, бўлгуси ҳукумат давлатни бошқара биладиган, халқни иктисолид, маънавий, маърифий қийинчиликлардан олиб чиқа оладиган, ҳаётни нормал изга соладиган, яъни, 34 йилдан кўпроқ давом этган диктаторлик тузуми даврида издан чиқиб кетган турмуш тарзини нормаллаштириш масаласини еча оладиган бўлиши керак. Шунингдек, ҳозирда Ирок миллий конгресси, деган ибора кўлланилиятини, у узоқ йиллар мобайнида Саддам Ҳусайн ҳокимиётига қарши курашиб келган. Бинобарин, бу конгресс ҳам янги ҳукумат тузисида асосий иштирокчилардан саналмоқда. Лекин, барча тикланиш жараёнларида жаҳон ҳамжамияти БМТ роли устувор бўлиши кераклигини ҳамда мамлакатда демократик тузум қуриш лозимлигини ургуламоқда. Энди Ирок ҳалқи ўз тақдирини ўзи белгилайди ва табиий бойликларидан ўзи фойдаланади. Ағсусли, Саддам Ҳусайн даврида табиий бойликлардан кўрилган даромадлар президент учун қасрлар, бунклар куришга, оммавий қирғин қуроллари, «Ас-Самуд», «Ал-Фатах» каби ракеталар яратишга сарфланган эди. Бундан бўён эса, бундай маблағлар оддий ҳалқа хизмат қилади. Ҳозирнинг ўзида Эстония, Руминия, Болгария, Австралия каби ўнлаб давлатлар баракарорлик ўзага келгунга қадар мамлакатда тинчлик контингентини сақлаб қолиш борасидаги АҚШ ва Британия тақлифини кўллаб-куватламоқдадар. Ўйлайманки, Ирок ҳалқи бугунги жараёнлардан, кечувлардан муввафқиятли чиқа олади.

Камолиддин АЛИОХУНОВ
сұхбатлашы.

Меҳмонхона



**ЕТТБ ЙИФИНИНИНГ
ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛИШИ
ТАСОДИФ ЭМАС**

минтақа билан дўстлашавермайди. Бу нуқтаи назардан қарангда ЕТТБ ҳақиқий шериларидан бирини Марказий Осиёдан топди. Президентимиз ҳам ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсафасида: хавфисизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридан, «Ўзбекистон буёк келажак сари» номли тўпламларida мана шу банкка алоҳида тўхталиб ўтганлар. Шунингдек, ЕТТБ раҳбарлари, етакчи мутахассисларидан 2001-2002 йилларда юртимизга келиб, ҳукуматимиз раҳбари билан музокаралар олиб бораётганинг самараси. Ўзига муносib ҳамкор излаган мазкур банк ўзаро имзолангандан ёхднома, битим ёки бирон-бир хужжат шартлари бажарилмаса, у ҳар қандай давлат билан

нишинг энг шарқида жойлашган. Лекин, улар билан бизнинг қалбимиз, дунёкарашимиз, мафкуравий фикрларимиз, ҳалқаро муаммоларни ҳал этишдаги нуқтаи назаримиз ҳамоҳангдир. Хусусан, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқармаслик ва тугатиш борасида, гиёҳвандлик моддаларининг тарқалиши ва у билан боғлиқ жиноятларга барҳам беришда, ноқонуний курол саводсига йўл қўймаслиқда, энг муҳим жиҳатлардан саналмиш ҳалқаро терроризмга қарши курашда расмий Вашингтон, Токио, Тошкент сиёсатида ўтиғунлик бор. Ўрни келгандага шуни таъкидлаш лозимки, АҚШ ҳам, Япония ҳам ҳар қандай давлат билан стратегик ҳамкорлик ўрнатавермайди. Улар узоқ муддатли қарашларда, тактика ва стратегияларда ўшашлик топган тақдирдаги на ҳамкорлик олиб борадилар. Масалан, бугун Ўзбекистон қуролли кучларини модернизация килишда, чегара ҳавфисизлигини излизишда, профессионал армия тузилишидан Вашингтон, Токио хизматлари чексиз бўлмоқда. Бундай стратегик ҳамкорликларимиз нафқат Ўзбекистон, балки, минтақа баркарорлигига ҳам ижобий таъсири этади, мамлакатимизнинг озод ва обод ватан бўлишига, республика измайларни демократия мактабини, жамиятини шак

БУ БОЛАЛИК ҮЙНИМИ?

Масаланинг моҳиятига чукурорқ кириб борищдан один эътиборингизга аксариюмиз учун таниш бир лавҳани хавола этмоқчиман.

— Қани ўғлим, амакинга нос чекиб күрсатчи!

Эндигина тетапоя этиб юраётган болакай отасининг бу даъватига жавоб жажжи қўлчаларини ўйнатиб мурғак тасаввuri билан катталардан кўриб ўрганган килиги — кафтига нос кўйиб оғизга отиш ҳаракатини тақрорлади.

Рости, кўпчилигимиз бундай ҳолатнинг гувоҳи бўлганимиз, қичкинтоинойн бегараз қиликларидан завқланниб, ҳатто уни рағбатлантириб ҳам кўйганмиз:

— Яша, ота ўғил!

Шошманг биродар, ушбу олқишингиз болани нимага рағбатлантираяпти, ҳамма нарсани ҳам болалик ўйнига буриш ўринлими? Ўша бизга катталар қилини кўрсатиб эркаланаётган бола эртага уйда унтиб қолдирган нос қадимииздан жажжи кафтчаларига нос қилиб, чинакамига носкашлик қиласлигига ким кафолат бера олади? Якинда бир танишим ташвишланиб гап очди:

— Ишонасанми, нари борса беш-олти ёшга кирган боланинг нос чекканини кўрдим. Ўйдагиларга айтгандим, «энди шу гапни топдингизми» деб ёқамдан олиши. Бу боришада ўша боланинг келажаги нима бўлади?

Суяги қотмаган боласига ароқ ичириб, мақтанаётгандар йўқми орамизда? Нега ширакайф бўлиб бир-бириимизга гап бермаётганимизда, тутун халқачаларига қўмилиб сигарет тутатайтганимизда ба-логатга етмаган боламиз бизни ўзига хос синчковлик билан кузатайтганини унтиб қўямиз? Бола тарбиясида аҳамиятисиз нарсанинг ўзи йўқ. Инсоф билан тан олайлик, бугун қорадорисиз қолганда бошини тошга ураётгандар, ушбу ниятига етиш йўлида ҳар қандай жиноят кўясига киришдан тоймайдигандар ҳам кимнингдир фарзанди. Ота-оналарининг ёмон одатлари туфайли азият чекаётгандар, ногирон туғилаётгандар қанча. Эҳтимол, якинда республика «ойна жаҳон» орқали намойиш этилган юракни ларзага келтирувчи лавҳаларни Сиз ҳам кўргандирсиз: Тишлари йўқ қизча, оёқлари кўшилиб кетган бола, тафakkur имкониятлари 2-3 яшар боланикidan ҳам чегараланган йигирмага ҳам кирмаган йигит ... Рости, Тошкентдаги ногирон болалар диспансеридан видеотасмaga туширилган мазкур кадрларни томоша қилишнинг ўзиёқ қишини даҳшатга туширади. Сабаби оддий, бу Оллохнинг шайтон етовига тушган бандасининг наслига нисбатан кўллаган жазосидир.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАЁҚҚА КАРАЯПТИ?

Чет элдан ташриф буориётган тадқиқотчilar маҳалла қўмиталарида амалга оширилаётган ижобий ишларни ҳавас билан ўрганишайти, ўзларида жорий этиш йўлларини излашайти. Кундалик ҳаётимизда маҳалланинг роли бекиёс, бироқ ҳар биримиз бу тузилма ишига имкониятларимиз даражасида ёрдам берампизми?

Маҳалладошимиз, ҳамқишлоғимиз ўқишида, ишда, ижодий фаoliyatiда, спорт мусобақаларида яхши натижаларга эришиб, кўпчиликнинг тилига тушса «бизнинг қишлоқдош», деймиз. Лекин ҳалигача бирон кимсанинг ўғри, муттаҳам, гиёҳванд ҳақида сўз кетганда «меннинг маҳалламдан» деганини учратмадиганман. Кўшнимизнинг ножӯя қадам ташлай бошлаган боласини кўрганда нега:

— Менга нима, отаси, онаси бор-ку, деймиз.

Бугун ўзи ёмон йўлга кирган бола, эртага тенгдоши бўлган ўғлимиз ёки қизимизни қалтис кўчага бошламасмийин ёки бизнинг фарзандимиз ножӯя ҳатти-ҳаракатини пайқаган кўшнимиз ҳам:

— Менга нима, ўз отаси, онаси бор, деб кўл сильтамасмикан!

